

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.1.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРОВ ЛОЧИНБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН**  
**Фойдаланишни бошқариш механизмларини**  
**такомиллаштириш**

**08.00.13 – Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАҲЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

УУК: 631:626.81:658.01

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Sciences**

**Амиров Лоқматбек Файзуллаевич**

Католик мулкисига таълим ресурсларидаги фойдаланишни бошқариш  
механизмларини таълимлаштириши ..... 3

**Амиров Лоқматбек Файзуллаевич**

Таълим ресурсларидаги фойдаланишни бошқариш механизмида  
использованием водных ресурсов в сельском хозяйстве ..... 23

**Amirov Loqmatbek Fayzullaevich**

Improvement of the management mechanisms of water resources usage in  
agriculture ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.1.16.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АМИРОВ ЛОЧИНБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН**  
**Фойдаланишни бошқариш механизмларини**  
**тақомиллаштириш**

**08.00.13 – Менежмент**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий иқтисодия комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt 81 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz) ҳамда «Ziyouet» ахборот – таълим портали [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	<b>Махмудов Носир Махмудович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	<b>Иуддодов Нуриддин Қурбонovich</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Рашидов Жамшид Хамидович</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етажчи таъкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27. 06. 2017.116.01. рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил «16» январи да соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Қаримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (874 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Қаримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.

Диссертация автореферати 2017 йил «27» ноябри куни тарқатилди.  
(2017 йил «27» ноябри даги 4 рақамли реестр баённомаси)



Loguev  
**Б.Ю.Ходиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.С.С.  
**А.Н.Самадон**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.и., доцент

М.А.Махкамоллаев  
**М.А.Махкамоллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қозғоғидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон мамлакатларида аҳоли сонининг сезиларли даражада кўпайиб бораётганлиги ва иқтисодий тармоқларининг жадал суръатларда ривожланаётганлиги сувга бўлган талабнинг кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида дунёнинг кўплаб минтақаларида сув танқислиги кузатилмоқда. Олимларнинг таъкидлашича, «2030 йилга бориб жаҳон аҳолисининг 47 фоизи сув танқислиги шароитида яшашга мажбур бўлади»<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда жаҳон бўйича истеъмол қилинадиган сувнинг 70 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Аксарият ривожланган хорижий давлатларда сув таъминотини ташкил этиш, молиялаштириш ва бошқариш ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сув хўжалигини бошқариш тизими тубдан ислоҳ қилинди, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ишлари амалга оширилди ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг натижасида сувдан лимит бўйича фойдаланишга ўтилганидан кейин сўнгги 15 йил давомида бир гектар ҳисобига сувни йўқотиш ҳажми 10-12 фоизга камайди<sup>2</sup>, сув хўжаликлари фаолиятининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Ушбу тадбирлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ўсиши ва мазкур тармоқнинг барқарор ривожланишга асос яратди. Шу билан бирга, бутунги кунда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ўз ечимини қутаётган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, сувни етказиб бериш, сувдан фойдаланиш ишларини самарали бошқариш, сувга ҳақ тўлаш тартиб-қоидалари ҳамда шартнома мажбуриятларини бозор муносабатларига мослаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>3</sup> бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни самарали ечим топиши қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида тўпланган илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, республикаimiz қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини такомиллаштириш талаб қилинмоқда. Шу жиҳатдан хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида

<sup>1</sup> www.un.org.-Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий сайти,

<sup>2</sup> www.agro.uz.- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонининг 1-қисмида «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси». lex.uz.

мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 4 декабрдаги «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг янги тахрири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодийтни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини тадқиқ этиш масалаларига хорижлик олимларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилган. Жумладан, хорижлик муаллифлардан Briscoe S, Jones W, Perry S. кабиларнинг илмий-тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни самарали бошқариш масалаларига бағишланган<sup>4</sup>.

МДХ мамлакатлари олимларидан сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш ҳамда унга тизимли ёндашиш муаммолари В.Духовный, С.Безднина, В.Соколов, М.Пинхасов, Н.Атальцева, А.Авакян, Г.Гуляк, В.Краснощеков, А.Лискинков каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Briscoe S. Global Water Partnership // Ж.Rosengrant and Binswanger. - Dublin Statement. - 2000. -p.25-26; Jones W.I. Global Water Partnership // Ж.Rosengrant and Binswanger. - Dublin Statement. - 2000. - p. 25-26; Perry C. Water at any price? Issues and options in charging for irrigation water // Irrigation and drainage. 2001. - №3. p. 24-27.

<sup>5</sup> Духовный В.А. Вода и глобализация: пример Центральной Азии. - Т.: 2006. -27 с. Духовный В.А., Соколов В.И. Стратегия управления водными ресурсами Средней Азии // Водный ресурсы проблемы Арала окружающая среда: тез.докл. науч.конф. - Т.: 2000. С.122-124.; Духовный В.А., Пинхасов М.А. Сув хўжалиги хизматлари учун ҳақ тўлаш ва уни Ўзбекистон шароитида жорий этиш бўйича тавсиялар. - Т.: 2004. - 46 б.; Атальцева Н. Проблемы водных ресурсов в современных изменяющихся условиях // Экологический вестник. - Москва, 2006. - № 4, апрель - С. 37; Авакян А.Б. Концепция использования водных объектов // Мелиорация и водное хозяйство. - Москва, 1994 - № 5 - С. 8-9; Гуляк Г.Г. Водное хозяйство Франции // Мелиорация и водное хозяйство. - Москва, 2003. - №5 - С. 30-32.; Безднина С.Я. Проблемы водного хозяйства в агропромышленном комплексе России // Мелиорация и водное хозяйство. - Москва, 2003 - №3 - С. 14-17.; Краснощеков В.Н. Методология определения платы за использование водных ресурсов в сельском хозяйстве // Мелиорация и водное хозяйство. - Москва, 2003. - №3 - С. 26-27.; Лискинков А.Т., Степанов А.Б. Экономические методы регулирования качества экосистемы на водохозяйственном объекте // Мелиорация и водное хозяйства. - Москва, 2003. - №1 - С. 41-42.

Мамлакатимизда сув хўжалиги менежменти ва ер-сув ресурсларидан фойдаланишни оптимал тарзда бошқариш ҳамда прогнозлаштириш муаммолари У.П.Умурзоқов, Б.Ю.Ходиев, З.С.Абдуллаев, С.Ч.Джалалов, А.С.Султонов, Б.Б. Беркинов, М.Н.Махмудов, И.Ахмедов, Т.Ризаев, Р.Х.Ташматов, Б.Хасанов, Л.И.Абдурахимов, З.Д.Худойберганов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган<sup>6</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш концепцияси доирасида белгиланган Ф-1-59-сонли «Ўзбекистон агросаноат мажмуасини жаҳон аграр ва озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш» номли фундаментал илмий-тадқиқот ва ОТ-А2-56-сонли «Ўзбекистонда инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашни концептуал асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги давлат амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади**—иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва уни тизимли бошқаришнинг илмий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини бошқаришнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва улар фаолиятини бошқаришнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон амалиётига татбиқ этиш имкониятларини аниқлаш;

фермер хўжаликларида сув ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш ва самарадорлигини баҳолаш;

сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг янги усулларини тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

<sup>6</sup> Умурзоқов У.П., Абдурахимов И.Л. Сув хўжалиги менежменти. 1-жилд. – Т.: Иқтисодиёт ва молия, 2008. – 606 б.; Ходиев Б.Ю., Абдуллаев А.М., Ишназаров А.И. Эконометрика. – Т.: 2007. – 612 б.; Султонов А.С., Хонимов У., Юсупов М. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари иқтисоди ва уни ташкил этиш. – Т.: 2008. – 140 б.; Джалолов С.Ч. Оролашмаёземледеление в условиях дефицита водных ресурсов. – Т.: 2000. – 199 с.; Султонов А.С. Хонимов У., Юсупов М. Сувдан фойдаланувчилар иқтисоди ва уни ташкил этиш. – Т.: 2008. – 140 б.; Беркинов Б.Б., Ташматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. – Т.: ТДИУ, 2007. – 44 б.; Махмудов Н.М., Аскарובה М.Г. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш // Дарслик. – Т.: 2014. Ахмедов И. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари учун маълумотнома. – Т.: 2005. – 104 б.; Ризаев Т. Сув ресурсларини бошқариш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2007. – №1 –15. Б.; Худойберганов З.Д. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. – Т.: 2009.; Хасанов Б. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация интродукцияси. – Тошкент, 2005 – 30 б.

узоқ ва ўрта муддатли истикболда чекланган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича прогнозлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистонда фаолият юритаётган сув истеъмолчилари ва уларнинг уюшмалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танланма кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил, прогнозлаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

кишлоқ хўжалигида чекланган сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни мувофиқлаштириш тизимаси такомиллаштирилган;

сув истеъмолчилари уюшмаларини мотивлантириш ва хизматларига ҳақ тулишини бозор муносабатларига мос шартномавий механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган тармоқлараро интеграцияланган бошқарув усулини жорий этишнинг маъмурий, иқтисодий ва экологик мезонлари таклиф этилган;

сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сув ҳавзалари имкониятига қараб сугориш майдонларини кенгайтириш истиқболлари асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

кишлоқ хўжалигининг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжлари ва таклифларини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини баҳолаш жараёнида бошқарув қарорлари қабул қилиш тизими яратилди;

республикада сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини юритиш ҳамда бошқаришни ташкил этиш, уни меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

сув ресурсларини интеграциялаган бошқаришнинг мезонлари ҳамда уни жорий этиш самарадорлиги бўйича ишланмалар тавсия этилди;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган прогноз вариантлари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги, ишлаб чиқилган эконометрик моделлар асосида олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан сув ресурсларидан фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини яхшилаш, бошқарув механизмини такомиллаштириш ҳамда фермер хўжаликлари ва бошқа сув



истеъмолчиларига сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш усуллари, тамойиллари, мезонлари ва механизми бўйича олинган хулоса ва назарий билимлардан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида, Тошкент ирригация ва мелиорация институтида, Тошкент давлат аграр университетида ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, кейс стабилар, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигида чекланган сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнларида мувофиқлаштирилган сувдан фойдаланиш тузилмасини такомиллаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли корхона ва ташкилотлари фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 26 октябрдаги 03/29-987-сонли маълумотномаси). Қишлоқ хўжалигида чекланган сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнларида мувофиқлаштирилган сувдан фойдаланиш тузилмасини такомиллаштириш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши сув ресурслари танқислигининг етти фоизга камайишини таъминлаган;

сув истеъмолчилари уюшмаларини молиялаштириш ва хизматларига ҳақ тўлаш, бозор муносабатларига мос ҳолда сув олиш, ундан фойдаланиш ҳамда истеъмол қилиш шартномаларини тузиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 й. 26 октябрдаги 03/29-987-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши сув истеъмолчилари уюшмалари бошқарувидаги такрорий экинлар экиш улушини 28 фоизга ошириш имкониятини яратган;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган тармоқлараро интеграциялашган бошқарув усулини жорий этишнинг маъмурий, иқтисодий ва экологик мезонлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2017 йил 26 октябрдаги 03/29-987-сонли маълумотномаси). Сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган тармоқлараро интеграциялашган бошқарув усули ва уни жорий этишнинг маъмурий, иқтисодий ва экологик мезонларини қўллаш сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини 12 фоизга оширишни таъминлаган;

сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сув ҳавзалари имкониятларига қараб суғориш майдонларини кенгайтириш истiqболлари бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш

мақсадида қабул қилинган (Вазирликнинг 2017 йил 26 октябрдаги 03/29-987-сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Тадқиқот натижалари учта халқаро ва олтинта республика илмий-амалий анжумаларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда етита илмий мақола, шундан бештаси республика ва иккитаси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 146 бетни ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика илм-фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғланганлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган ҳамда тадқиқот объекти, предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг илмий асослари» деб номланган биринчи бобида республикада мавжуд сув манбалари ва унинг истеъмолчилари таркиби, сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг тизимли таҳлили, унинг тамойиллари ҳамда функциялари бўйича илмий-услубий асослар тадқиқ этилган.

Республикада сув хўжалиги иқтисодийнинг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. Зеро, сув хўжалигини бошқариш – сув ресурслари ва объектларини ўрганиш, уларни ҳисобга олиш ҳамда фойдаланиш, муҳофаза қилиш, шунингдек, сувдан ноўрин фойдаланиш оқибатида юзага келадиган зарарли таъсирларга қарши курашиш билан боғлиқ жараёнлар мажмуини ўз ичига олади. Республикада мавжуд ер ости ва ер усти сув ресурслари асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика, балиқчилик, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда истеъмол қилинади. Сув ресурсларининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Умумий истеъмол қилинадиган сув ресурсларининг 92,0 фоизи ушбу соҳада тасарруф қилинади. Шу боис, аграр сектор ривожини сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув ўтказиш, етказиб бериш қурилма ва иншоотларнинг ишчи ҳолатини сақлаш, ушбу жараёнларни бошқаришга бевоқифа боғлиқ. Маълумки, республикада қишлоқ хўжалиги сугорма деҳқончиликка асосланган. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 94 фоизи сугориладиган ерларда етиштирилади.

Айни пайтда республикамызда 4249 минг гектар суғориладиган ер майдони мавжуд бўлиб, суғориладиган экин майдонлари таркибида пахта ва ғалла 54 %ни, бошқа экин турлари эса 46 %ни ташкил этади. Уларни суғориш учун 2016 йилда жами 54555 млн.м<sup>3</sup> сув сарф қилинган, шу жумладан, Амударё сув ҳавзасидан 31319 млн.м<sup>3</sup>, Сирдарё сув ҳавзасидан 23236 млн.м<sup>3</sup> истеъмол учун ишлатилган. Суғориладиган ер майдонларининг қарийб 56 % Амударё ҳавзасидан, 44 % эса Сирдарё ҳавзасидан сув олади. Республикада суғориладиган ерларни сув билан таъминлашга катта миқдордаги бюджет маблағлари сарфланади. Яъни, ушбу таркибга кирувчи сув хўжаликлари ва улар инфратузилмалари учун сарфланадиган сув харажатларини қайд этиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш мақсадида бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш таркибининг ўзгариши<sup>7</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Жами харажатлар, % шундан:	100	100	100	100	100	100	100	100
Электр энергияси	68,2	69,0	66,1	64,9	65,2	64,8	65,9	66,2
Иш ҳақи ва унга тегишли ажратмалар	16,3	18,5	20,3	21,9	23,3	23,9	23,5	23,6
Суғориш тармоқларини жорий таъмирлаш	7,9	4,2	4,0	3,6	3,4	3,5	2,9	2,7
Суғориш тармоқларини капитал таъмирлаш	4,5	4,3	2,2	2,2	1,7	1,6	1,3	1,2
Бошқа харажатлар	3,1	4,0	7,4	7,4	6,4	6,2	6,4	6,3

Республикамызда 2,2 млн. гектар ер майдони насослар ёрдамида суғорилади. Насослар ёрдамида суғориладиган ер майдонларига етказиб берилган 1м<sup>3</sup> сувнинг таннарни 2016 йилда Қашқадарё вилоятида 87 сўмни, Наманган, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Андижон вилоятларида уларга мос равишда 79,4; 59,4; 48,2; 45,7 ва 40,6 сўмни ташкил этган.

Ўз табиий оқимида сув етказиб бериладиган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ушбу кўрсаткич уларга мос равишда 11,5; 9,6; 12,2 ва 9,3 сўмга тенг бўлган. Умуман, 2016 йилги маълумотларга кўра, электр энергияси ва иш ҳақи умумий харажатларнинг 89,8 % ни ташкил этган. Айнан ушбу харажат тури 1 м<sup>3</sup> сув таннарининг ошиб боришига сабаб бўлган.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларида молиявий маблағлар етишмаслиги сабабли ерларни капитал текислаш ишлари суст олиб борилмоқда. Суғориладиган майдонларда ер устки қисмининг нотекислик меъёрий кўрсаткичи 3-10 сантиметр ўрнига, 20-30 сантиметрни ташкил этади. Натижада ер бир текис намланмайди, бу эса, кўп миқдордаги сув сарфланишига олиб келади. Умуман, республика бўйича самарасиз

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

ишлатилган сувнинг миқдори 24146 млн. м<sup>3</sup>ни ташкил этади. Шундан 13,2 % магистрал каналларда, 20,4 % хўжаликлараро каналларда, 34,4 % хўжалик ичидаги суғориш тармоқларида, 31,0 % эса бевосита пайкалларда, яъни экинларни суғориш жараёнларида исроф қилинади.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ҳамда уларга сарфланаётган сув миқдорига боғлиқ. Республикамизда пахта ҳосилдорлиги 2016 йилда 2009 йилга нисбатан 9,1 %га пасайган ҳолда, ғалла ҳосилдорлиги шу даврда 14,2 %га ўсган. Шу билан бирга, пахта хомашёсини етиштириш учун сарф қилинган сув миқдори 4,6 %га, ғалла етиштириш учун 1,5 %га ошганлигини қайд этиш мумкин. Бир центнер пахта хомашёсини етиштириш учун сарфланган сув харажатлари республикада ўртача 6760 сўмдан 16121 сўмга, бир центнер ғалла учун сарфланган сув харажатлари эса 3464 сўмдан 8014 сўмгача кўпайган (2-жадвал).

2-жадвал

Республика бўйича пахта хомашёси ва дон етиштиришда  
фойдаланилган сувнинг иқтисодий самарадорлиги<sup>8</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар								2016 йилда 2009 йилга нисбатан, %
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
<b>Пахта</b>									
Ҳосилдорлиги, ц/га	25,5	25,8	26,8	27,3	24,3	26,3	26,9	23,2	90,9
Бир центнер учун сарф қилинган сув миқдори, м <sup>3</sup>	412,0	392,1	373,1	366,3	411,5	380,2	371,7	431,0	104,6
Бир центнер учун сарф қилинган сув харажатлари, сўм	6760,0	6353,2	7537,3	8864,1	11523,2	11749,3	13569,2	16121,0	+2,4 марта
<b>Ғалла</b>									
Ҳосилдорлиги, ц/га	49,0	49,9	49,0	50,8	50,3	53,8	54,7	56,0	114,2
Бир центнер учун сарф қилинган сув миқдори, м <sup>3</sup>	211,0	200,4	204,0	196,8	198,8	223,0	219,3	214,2	101,5
Бир центнер учун сарф қилинган сув харажатлари, сўм	3464,0	3246,0	4122,4	4764,2	5567,3	6892,4	8007,2	8014,4	+2,3 марта

Юқоридаги таҳлилларга асосан, диссертация ишида сувдан фойдаланувчилар тизимида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, сувнинг самарасиз ишлатилишини бартараф этишга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва технологик чора-тадбирларни кенг қўламда жорий этиш аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим талаби эканлиги асосланган. Шунингдек, суғориш тармоқларининг эскириши ҳамда сувни йўқотишнинг

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


олдини олиш мақсадида ирригация тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича давлат инвестиция дастурини шакллантириш зарур. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Сувни тежовчи технологияларни жорий этиш сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишга қаратилган стратегик мақсаднинг бош омили бўлиб хизмат қилади. Ушбу технологияларни кенг миқёсда татбиқ қилиш учун давлат томонидан сув хўжалиги ҳамда сувдан фойдаланувчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизминини кенгрок жорий этиш зарур. Ушбу йўналишларда ижобий натижаларга эришиш кўп жиҳатдан мамлакатда ислохотлар жараёнида шаклланган сув ресурсларидан фойдаланишнинг янги – ҳавзали бошқарув тизимига ўтганлигини ҳисобга олиб, диссертацияда сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг асосий функциялари, уни амалга ошириш тамойиллари ҳамда йўналишлари асослаб берилган, шунга мос равишда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш жараёнида қарорлар қабул қилишни мувофиқлаштириш тизими ишлаб чиқилган (1-расм). Бундай тизимли қарор қабул қилиш қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва тармоқнинг сув ресурслари ҳажми ва сифатига бўлган талабларни прогнозлашдан бошланади (IV-блок). Ушбу жараёнда сувга талаб ва уни таъминлаб бериш имкониятлари баланслаштирилади (II-блок).

Сув баланси аниқланганидан кейин бошқарув таъсирини ўтказиш мумкин бўлади (III-блок). Уни қуйидаги учта усул орқали амалга ошириш мумкин: 1) сув ресурсларини тежамкорлик билан ишлашиш ва улардан самарали фойдаланиш; 2) вақт ораллигини ҳисобга олиб ер ости ва ер усти сув оқимларини тақсимлаш (сув оқимини бошқариш); 3) сув оқимини мавжуд маконда самарали тақсимлаш (яъни, сув оқимини бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш). Тизимнинг сифатини белгилаб берувчи унсурларни бошқариш иккита усул ёрдамида амалга оширилади: 1) сувни ўзини-ўзи тозалаш; ва 2) чиқиндисиз технологияларни жорий этиш. Ҳар бир гуруҳ баланси бошқарувнинг турли услубларини ўз ичига олади.

Кейинги босқичда (I-блок) турли бошқарув усулларини татбиқ этиш учун техник воситалар (гидротехник иншоотлар) таркиби танланади. Бунда танлаш мезони молиявий сармояларнинг сув хўжалигида меҳнат ва моддий ресурслар чекланган ҳажмларининг қисқаш кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, иншоотлар самарадорлигига нафақат иқтисодий, балки экологик ва ижтимоий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам баҳо бериш имкониятини яратади. Агар танланган вариант самарадорлик кўрсаткичлари учун қўйилган талаблар мезонларига тўғри келса, кейинги босқичга – сув ресурсларидан фойдаланиш тизими бошқарувини ташкил этишга ўтиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, сув ресурсларига қўйилган талаблар ва уни тақсимланиши маълум номуносивликларни ҳам юзага келтиради. Бу эса нафақат иқтисодий, балки ижтимоий омилларга ҳам боғлиқ. Ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, диссертация ишида ушбу муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишга

сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ва усуллар таклиф қилинган.



1-расм. Қишлоқ хўжалигида суви ресурсларидан фойдаланишнинг бошқариш жараёнида қарор қабул қилишни мувофиқлаштиришнинг таркибий тузилмаси<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўналишлари», деб номланган иккинчи бобида сув истеъмолчилари уюшмасининг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва уни бошқаришнинг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган, уларнинг фаолияти танқидий нуқта-назардан баҳоланган, хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, республикамызда сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг янги усулларини жорий этиш имкониятлари асосланган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш Сув истеъмолчилари уюшмаси (СИУ) орқали амалга оширилади. Уюшма фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа тоифадаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи жисмоний, юридик шахсларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил этилади. Шу боис, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш кўп жиҳатдан СИУлар фаолиятини бошқаришга боғлиқ ҳисобланади. Мамлакатимизда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ СИУ бошқаруви қарор қабул қилувчи ҳамда ижро этувчи икки поғонали тузилмадан иборат. Уюшмани Кенгаш раиси бошқаради (2-расм). Унинг аъзолари уюшма фаолиятини демократик тамойиллар асосида сув хўжалиги хизматини бевосита қишлоқ хўжалиги талабларига бўйсундирган ҳолда бошқарадилар.



2-расм. Сув истеъмолчилари уюшмаси бошқарувининг ташкилий тузилмаси<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан тузилаган.

Ҳозирги кунда республикаимизда 1500 тадан ортиқ СИУлари фаолият юритмоқда. Худудларда суғориладиган ер майдонлари ҳамда суғориш тизимига қараб СИУлар сони 200 тадан кўпрокка қисқартирилган. Бугунги кундаги сув истеъмолчилари уюшмалари фаолияти бўйича муаллиф ўтказган таҳлиллардан маълум бўлишича, уюшмалар умумий сони камайиши улар кўрсатаётган хизмат майдонларининг ўсишига мос равишда хизматлар харажати ҳам йил сайин ошиб борган (3-жадвал).

3-жадвал

Республика бўйича сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан кўрсатилган хизматлар қиймати ва амалга оширилган тўловлар<sup>11</sup>

Кўрсаткичлар	Й и л л а р								Фарқ, марга
	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	
Шартнома бўйича кўрсатилган хизмат қиймати, млн.сўм	25728,0	30217,6	29338,2	36288,4	39854,4	47133,6	44789,5	33999,0	1,3
шундан: тўланган хизмат қиймати, млн.сўм	17134,0	19064,8	15240,4	24216,6	23440,2	27970,7	25694,3	21754,0	1,2
Тўланган хизмат улуши, %	67	63	52	66	59	59	57	63	0,9
Битта уюшмага тўғри келадиган ўртача хизмат қиймати, минг сўм	1503,6	1766,0	2066,0	2417,6	2639,3	3150,6	2976,0	2262,0	1,5

Шартномалар бўйича СИУлар кўрсатган хизматлар тўла ҳажмда бажарилган бўлса-да, тўлов қиймати ўз вақтида тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган. 3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, СИУларнинг хизматлар ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга, аммо тўлов миқдорининг ўртача 60 фоизи сув истеъмолчилари томонидан тўланган. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, сув истеъмолчилари томонидан тўловлар «қолдиқ тамойили» асосида амалга оширилади, яъни пахта, дон экинлари бўйича аванс (ҳарз) тўланади, ундан кейин фермер хўжалиги ҳисоб- рақамидаги маблағнинг қолдиқ қийматига қараб уюшмалар хизматига тўловлар амалга оширилади. Иккинчидан, фермер хўжаликлари сув таъминотидан қониқиш ҳосил қилмаётганлиги ҳам тўловларнинг ўз вақтида амалга оширмаслигига сабаб бўлмоқда.

Илмий ишни бажариш жараёнида муаллиф томонидан айрим вилоятларда монографик тадқиқотлар ўтказилди, натижада қониқарли ва қониқарсиз фаолият юритаётган СИУлар ажратиб олинди. Айнан қониқарсиз фаолият юритаётган СИУлар молиявий маблағлари етишмаслиги нафақат ўз жорий харажатларини қоплаш имкониятига эга эмас, балки мутахассислар билан яхши таъминланмаган, моддий-техник базаси ночор, ҳатто аксариятлари фаолият юритиши учун бинолар билан ҳам таъминланмаган.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.



Мазкур ҳолатлар туфайли, молиявий жиҳатдан ночор СИУларнинг ривожланиш истиқболи чекланиб қолган. Муаллиф фикрига кўра, иқтисодий ночор ўзини-ўзи молиявий маблағлар билан таъминлай олмайдиган ва сифатли, тўлиқ сув хизматларини кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган СИУларда иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланаётган СИУлар бошқарув фаолиятидаги тажрибаларни қатъий жорий этиш ва кадрларни бошқариш тамойилларини тубдан ўзгартириш лозим.

Муаллиф олиб борган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, маҳаллий бошқарув органларининг уюшма фаолиятига аралашуви, сув тақсимоли ва унинг графиги бузилиши юзасидан низоли вазиятлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ёки жарима солишнинг таъсирчан иқтисодий механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам белгиланган лимитдан ортиқча катта миқдорда сув олиш ҳолатлари тез-тез содир бўлишига сабаб бўлмоқда. Аксарият уюшмалар собиқ хўжаликлар ҳудуди бўйича туман ҳокимлари қарорига асосан ташкил этилиб, нодавлат-нотижорат ташкилоти шаклида давлат рўйхатидан ҳам ўтказилмаган. Шу боис ҳам, улар томонидан 2017 йилда республика бўйича 39135 млн. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланган, холос. Ушбу жиҳатларни ҳисобга олганда республикада СИУларни истиқболда ривожлантириш ҳамда уларнинг молиявий ночорлик ҳолатларига барҳам бериш ва ҳамкор ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солиш қоидаларини ўз ичига олувчи қонун қабул қилиш зарур. Таъкидлаш жоизки, узоқ хорижий мамлакатлар (Ғарбий Европа, Шарқий Осиё, АҚШ, Лотин Америкаси ва бошқалар) ҳамда кўшни Қирғизистон Қозоғистонда ҳам сув истеъмолчилари уюшмалари тўғрисидаги қонун қабул қилинган бўлиб, айнан шу қонун ушбу тузилманинг тўлақонли фаолият юритиши ва бошқа хўжалик субъектлари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Қайд этилган фикр-мулоҳазаларимизга кўра, қонунда СИУларнинг ҳуқуқий мақоми, аъзолик бадалларининг тартиб-қоидалари, ички бошқарувнинг ташкилий тузилмалари, уюшма фаолиятининг молиявий асослари ва сув етказиб берувчи ташкилотлар, сув истеъмолчилари, СИУнинг сув бўйича ҳуқуқлари, ирригация ва зовур-канал тизимларига эғалик ҳуқуқи ва шу каби бошқа меъёрларни киригиш тавсия этилади.

Маълумки, сувдан самарали ва мақсадли фойдаланиш мамлакатимиз аграр сийёсатининг стратегик мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан диссертацияда СИУларнинг асосий азёси сифатида фермер хўжаликларида сув ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва самардорлиги баҳоланган. Таҳлил учун Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё, Наманган вилоятлари ҳамда Қорақолпоғистон Республикасида ер участкалари турли гидромодуль зоналарида жойлашган 15 та фермер хўжаликлари таълаб олинди. Сувдан фойдаланишнинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари фермер хўжаликларининг қиёсий таҳлили пахта ва ғалла ҳосилдорлиги Қашқадарё вилоятининг «Азизкул бобо набираси Ҳаким», «Номозов Акбар», «Кенжа бобо Эгамбердиев», Наманган вилоятининг «Бахтиёр Абдусаломович» фермер хўжаликларида нисбатан юқори

хисобланади. Сирдарё вилоятининг «Фозилбек Алишер даласи» (142,8 м<sup>3</sup> пахтага, 90 м<sup>3</sup> ғаллага), Қашқадарё вилоятининг «Азизқул бобо набираси Ҳаким» (150,2 м<sup>3</sup> пахтага, 125,2 м<sup>3</sup> ғаллага) фермер хўжаликларини 1 ц. маҳсулот (пахта ва дон) етиштиришга сув сарфланган намунавий кўрсаткич сифатида эътироф этиш мумкин. 100 м<sup>3</sup> сув сарфи эвазига пахта ва дон ишлаб чиқариш бўйича Сирдарё вилоятининг «Фозилбек Алишер даласи» ва Қашқадарё вилоятининг «Азизқул бобо набираси Ҳаким» фермер хўжаликларида энг юқори самарадорликка эришилган. Бир сўм даромад олиш учун сарф қилинган сув ҳажми кўрсаткичи бўйича иқтисодий самарадорлик Сирдарё вилоятининг «Фозилбек Алишер даласи», «Абдували жасорати», Қашқадарё вилоятининг «Азизқул бобо набираси Ҳаким», «Номозов Акбар», Наманган вилоятининг «Бахтиёр Абдусаломович», «Алижон Ҳасанов» фермер хўжаликларига нисбатан катта тежамкорликка эришилган. Мазкур хўжаликларда эришилган сув сарфи ҳажми, сув ресурслари тизими менежментининг самарали ташкил этилганидан ҳам далолат беради. Сувдан фойдаланиш учун йиллик тўлов миқдори бўйича ҳам Сирдарё вилоятининг «Фозилбек Алишер даласи», «Абдували Жасорати» (даромаднинг 0,88 %), Наманган вилоятининг «Бахтиёр Абдусаломович» (0,65 %) ва «Алижон Ҳасанов» (0,49%) фермер хўжаликлари бошқа фермер хўжаликларига нисбатан юқори самарадорликка эришган. Бизнинг фикримизча, юқорида номлари келтирилган фермер хўжаликларининг эришган кўрсаткичларини сувдан фойдаланишни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқишда миқдорий чегаралар сифатида қабул қилиш тавсия этилади.


